

Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи

Мустақил изланувчи

E-mail: Zulxumor.id@icloud.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-10-4>

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ҲАМДА ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОЎЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг юридик таҳлили амалга оширилган. Мақолада тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, ноқонуний аралашув, тўсқинлик қилиш, имтиёз ва преференциялар, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари, жиний жавобгарлик.

Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи

Самостоятельный соискатель

E-mail: Zulxumor.id@icloud.com

ЮРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СВЯЗАННЫХ С ВОСПРЕПЯТСТВОВАНИЕМ, НЕЗАКОННЫМ ВМЕШАТЕЛЬСТВОМ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

Аннотация: В настоящей статье проведен юридический анализ преступлений, связанных с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность. В статье разработаны предложения по совершенствованию ответственности за преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, незаконная вмешательства, льготы и преференции, лицензия и разрешительная процедура, уголовная ответственность.

Ibrohimova Zulhumor Solih qizi

Independent researcher

E-mail: Zulxumor.id@icloud.com

LEGAL ANALYSIS OF CRIMES RELATED TO OBSTRUCTION, UNLAWFUL INTERFERENCE TO BUSINESS ACTIVITY

Annotation: In this article legal analysis of crimes related to obstruction, unlawful interference to business activity is hold. In article developed proposals on improving criminal responsibility for crimes related to obstruction, unlawful interference to business activity.

Keywords: business activity, unlawful interference, benefits and preferences, license and authorization procedure, criminal responsibility.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг марказий йўналиши ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу - тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Конституциямизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган" [1].

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жиноят-ҳуқуқий воситалар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Жиноят қонуни нормаларини таҳлили шуни кўрсатадики, унда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган нормалар белгиланган. Ушбу нормалар тизимига тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан бир қаторда бошқаларга ҳам татбиқ этиладиган умумий, шунингдек, бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектларини жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини таъминловчи махсус нормалар киради.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига [2] асосан Жиноят кодексига [3] "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар"га оид XIII 1 боб киритилиши тадбиркорлик фаолияти субъектларини муҳофаза қилувчи махсус нормаларнинг яхлит тизимини яратди.

Жиноят кодексининг XIII бобида хусусий мулк, қонуний тадбиркорлик фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган жами 11 та норма (1921-19211) белгиланди. Шубҳасиз ушбу нормалар тизими тадбиркорлик фаолияти субъектларини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишда муҳим кафолат бўлди.

Ушбу Жиноят қонуни нормаларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

биринчидан - тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар: тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш; имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўллагаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш; хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш;

иккинчидан - тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар: хусусий мулк ҳуқуқини бузиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш; тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа

тадбирларга мажбурий жалб этиш; лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш;

учинчидан - ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар: тижоратда пора эвазига оғдириб олиш; нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш; нодавлат тижорат ташкилотига ёки бошқа нодавлат ташкилотига мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш.

Ушбу жиноятлар тизимида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори. Мазкур жиноятларнинг юридик таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

1. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларнинг объекти бўлиб, тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, шу жумладан:

мулк ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқлари (1921-модда);

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартиби (1922-модда);

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришнинг белгиланган тартиби (1923-модда);

тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулкани эркин тасарруф этиш ҳуқуқи (1924-модда);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби (1925-модда);

тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг белгиланган тартиби (1926-модда);

тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни сақлаш тартиби (1928-модда).

2. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларнинг предмети бўлиб, тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган мол-мулк, ашё, пул маблағлари, шу жумладан, уларнинг ҳисобидаги (нақд бўлмаган) пул маблағи ва бошқалар ҳисобланади.

3. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган Жиноят қонуни нормалари асосан бланкет диспозициялидир. Ушбу жиноятларни квалификация қилишда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш (1922-модда), уларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш (1923-модда), лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш (1925-модда), имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш (1926-модда), тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олиш тартиби (1928-модда) билан боғлиқ қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилганлигини аниқлаш талаб этилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги №222-II буйруғи билан белгилаб берилган амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 236-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати" билан тартибга солинади.

Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш тартиби эса, Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинган. Ушбу Қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идора ходимларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши тушунилади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш, уларга имтиёз ва преференциялар тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган.

4. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив томони кўйидаги хусусиятларга эга:

- қоида тариқасида фаол ҳаракатлар билан содир этилади, яъни хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш, тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш;

- ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин: тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўлламаслик; хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш;

- формал таркибли ҳисобланади, яъни тегишли ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади ҳамда жиноятчининг ҳаракатлари натижасида муайян оқибатнинг келиб чиққанлиги жиноятни малакалаш учун аҳамиятга эга бўлмайди;

- маъмурий преюдицияга эга, яъни мазкур ҳаракатлар учун дастлаб маъмурий жавобгарлик қўлланилади ҳамда худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида қилмиш такроран содир этилсагина жиноий жавобгарликни қўллаш учун асос бўлади.

5. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларнинг субъекти кўп ҳолларда махсус субъект мақомига эга. Хусусан, ушбу жиноятларнинг субъекти аксарият ҳолларда назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси бўлади.

6. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар субъектив томондан қасддан содир этиладиган жиноятлар ҳисобланади. Мазкур жиноятни содир этар экан, шахс қилмишининг гайриҳуқуқийлигини англаган ҳолда ҳаракат қилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу бўйича мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида баъзи ривожланаётган давлатлар сингари амалдаги Жиноят кодексига 19212-модда "Қонуний тадбиркорлик фаолияти олиб боришга тўсқинлик қилиш" деб номланган янги моддани киритишни таклиф қиламиз. Ушбу жиноятнинг объекти тадбиркорлик фаолияти кафолатлари, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг объектив томони қонуний тадбиркорлик фаолияти олиб боришга тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни гайриқонуний рад этиш ёки уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлash, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни гайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлash, мулкчилик шаклидан қатъи назар тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, шунингдек, унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарздаги гайриқонуний аралашушдан иборат. Таклиф этилаётган ушбу норма ҳам формал таркибли бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг бирортаси содир этилган пайтдан тамомланган ҳисобланади.

Ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади, чунки айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истаган бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексига бу янги модданинг киритилиши тадбиркорлар ва уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама ёрдам беради.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асосиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашда жиноят-ҳуқуқий нормалар муҳим аҳамият касб этади.

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир (7 декабрь 2018 йил) // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати (Mirziyoev Sh.M. Educated generation is a guarantee of a great future, entrepreneurial people are a guarantee of a prosperous life and friendly cooperation is a guarantee for prosperity (December 7, 2018) // Press-service of the President of the Republic of Uzbekistan). www.press-service.uz.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда (The Law of the Republic of Uzbekistan dated August 20, 2015, № 391 "On introducing amendments and addenda to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan aimed at further strengthening of reliable protection of private property, business entities, eliminating barriers to their accelerated development" Collection of Legal Acts of the Republic of Uzbekistan, 2015, № 33, Art. 439).

3. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда (The Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan dated September 22, 1994 № 2012-ХП // Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1995, № 1, Art. 3).